

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 85 (5946).

1
МАЙ

ЯКШАНБА

1977 йил.

Баҳоси 2 тийин.

ТИНЧЛИК, МЕХНАТ ШОДИЁНАСИ

БУГҮН — 1 МАЙ. Баҳор байрами. Бу улуғ айёмни Совет халқлари, прогрессив инсоният чексиз қувонч, шоду ҳуррамлик билан ташна қилади. 1 Май кунини ҳаққоний равишда «Халқаро Ленин мукофотлари» кўнрағи деб аташ мумкин. Бу кун — тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги халқаро бирдамлик кўнрағи.

Қабиридан беҳад совиқ ва қувончга тўлдирувчи баҳор байрами Советлар дидарида ўзгача улғуворлик билан, сиёсий ва меҳнат активлиги ҳаёт юксалган бир вазиятда намойиш қилинади. Шаҳар ва қишлоқларимиз ўзгача ҳусн, чирой касб этади. Халқимизнинг дили олам-олам шодлиқларга тўлади, кўчаларда, майдонларда, хибоналарда умумхалқ тантаналари, меҳнаткашларнинг байрам қолонналари, миллион-миллион қизил алвонлар, широлар, транспарантлар жоддор, қаҳрамон совет кишиларининг бунёдкорлик ишлари ва курашининг ифодаси, Ватанимиз куч-қудратини ошириш, меҳнаткашлар фаровонлигини юксалтириш йўлида олиб борилаётган ишларнинг, партия ва ҳукуматимиз белгилаб берган улғувор программ йўл-йўриқлар ҳаётлигининг ёрқин намуналаридир.

Бу йил май байрами тарихий кунларда нишонланмоқда. Духий Ленин асос солган янги социалистик давлатнинг 60 йиллиги арафасида турибмиз. Беш йилликнинг иккинчи йили вазифаларини, план ва мажбуриятларини ҳам муддатидан илгари бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақаси кучайтириб юборилди. Беш йиллик планларининг муваффақият билан бажарилиши ҳар бир совет кишида ўз Ватанига, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматида чексиз садоқат ва муҳаббат ҳисларини янада жўш урдириди. Областиимизнинг саноат қорхоналари, қурилишлар, колхоз ва совхозларда мамлакатга кўпроқ маҳсулот етказиб бериш учун кураш бормоқда.

Фабрика ва заводлар, қурилиш ташкилотлари ҳамда қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган ишчилар, инженер-техник ходимлар, колхозчилар ва совхоз ишчилари беш йилликнинг иккинчи йили топириқларини Улуғ Октябрь байрамидан бажариш, гектардан 50—60 центнердан пахта ҳосили еттиштириш, ҳар бир ситгирдан 4500—5000 килограммдан ошқирб сўт соғиб олиш, сабзавот, дон маҳсулотларини янада кўпайтириш юзасидан ажойиб ташаббуслар бошлади. Илгори ҳаракатлар, олийжаноб ишларнинг рўёбга чиқишида совет кишига хос фазилатларга эга бўлган оташқалб, фидокор азамат меҳнат намоёндаси бўлиб, вазифаларининг устидан чиқмайдиган. Саноат ва қишлоқ хўжалигида социалистик мусобақа кун сайин кенг қамровга эришди. Социалистик мусобақа кун сайин кенг қамровга эришди. Социалистик мусобақа кун сайин кенг қамровга эришди. Социалистик мусобақа кун сайин кенг қамровга эришди.

КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Қарорларида саноатчилар ва колхозчилар янги вазифаларга даъват этилади. Партия XXV съезди қарорларини, ўзининг беш йилликнинг улғувор программасини амалга ошириш учун ҳамма ерда умумхалқ социалистик мусобақасини кучайтириш, меҳнат унвондорлигини ошириш, ишлаб чиқариш самардорлигини ва иш сифатини янада юксалтириш, илгорлардан намуна олиш, Ватанимизнинг индустриал қудратини янада ошириш, техника тараққиётини жадаллаштириш, халқ истеъмол молларини кўпроқ ва сифатли ишлаб чиқариш, Капитал қурилиш соҳасида олдиндаги қўйилган вазифаларини тўла бажариш учун курашайлик, янги объектларни ўз вақтида ишга туширайлик.

Совет кишилари, социалистик мамлакатларнинг халқлари ва жаҳондаги прогрессив инсоният тинчлик, меҳнат байрами бўлган 1 Майни нишонлар эканлар, Совет давлатининг муваффақият билан амалга ошираётган ленинчи ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаётганлар. Абдий барҳад бўлаётган интернационал ташкилотлар саноати бўлган, социализм ва коммунизм галабаси учун кураш байрами марксизм-ленинизм товларини ижодий ривожлантириб бораётган Коммунистик партияга ва Совет давлати дунёда мустақил ва барқарор тинчликни таъминлаш йўлида коммунистик ва ишчи партиялар билан биргаликда самарали иш олиб бормоқда. Пролетар интернационалини, халқлар дўстлигини, бутун дунё коммунистларининг бирлигини ва жипслигини, социалистик ҳақиқатли байроғини билади кўтарган Коммунистик партияга, ўзининг Марказий Комитети ва Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев халқаро тинчликнинг юмшатиш, тўлиқ ва ҳаёсийликни таъминлаш, ядро қуролни абадий тақиқлаш ҳамда ёппасига қуролсизланиш таъминлаш йўлида жуда катта фаолият кўрсатди ва изчил иш олиб бормоқда.

Улуғ айём кунини партияимиз Марказий Комитети Коммунистик ва ишчи партияларига, қардош социалистик мамлакатларининг халқларига, мустамлакачилар кишиларининг улоқтириб ташлаб, мустақиллик, социал, иқтисодий ва маданий тараққиёт учун курашаётган халқларга аламли савом ва табриклар йўлайди.

Шонли коммунистик партияимизнинг XXV съезди қарорларида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг қасбаси союзларининг съездида сўзлаган ёрқин нутқида мамлакат иқтисодик ва илмий-техник қудратини оширишнинг галдаси вазифалари ёрқин кўрсати берилди. Областиимиз меҳнаткашлари партия ташкилотлари раҳбарлигида ўзларининг бутун куч-гайратлари, таланти ва маҳоратларини беш йилликнинг иккинчи йили план ва мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришга ҳамда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кўтиб олишга сафарбар этилмоқда. Йилликнинг якуни, белгиланган тадбирларнинг муваффақиятли бажарилиши шу кунлардаги ишмишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Саноат қорхоналарида янги-янги резервларни топиб ишга солиш, ишлаб чиқариш самардорлигини ва сифатини ошириш учун социалистик мусобақани кучайтириш, ўзга парваршинин сифатли ўтказиш, генералнинг тўлиқ бўлиши учун кураш—шу кунлардаги асосий вазифамиздир.

1 Май байрами ҳар бир оилга, ҳар бир меҳнаткашга олам-олам қувонч олиб келмоқда. Бу байрам — инсоният тарихида тинчлик, демократия ва социализм учун курашда меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик кўнрағи сифатида нишонланади. Бу байрам бутун дунё пролетарларининг революцион интернационал, марксизм-ленинизм байроғи ва жангсиз шароитда ўтказилади. Улуғ айёмнинг—ғўзал баҳор байраминингиз муборак бўлсин, азиз дўстлар!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА ВЦСПСда

1977 йил 16 апрель кунини мамлакатда В. И. Ленин тутилган кунининг 107 йиллигига ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишланган Коммунистик шавбалик ўтказилди.

Меҳнаткашлар саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, қурилишда ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида, шунингдек шаҳар,

лар ва аҳоли яшайдиган пунктларини обод қилишда эр гайрат билан ишлашлар ва ўз меҳнатлари билан 1977-йилнинг йили планини КПСС XXV съездининг қарорларини бажаришга салмоқли ҳисса қўшдилар.

Шавбаликда 144 миллионга яқин киши қатнашди. Саноат шу кунини 769 миллион соғимлик маҳсулот ишлаб чиқарди. 160 миллион соғимликда обод иш қилинди ва

бу маблаг ўзининг беш йиллик фондига топириди. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС Бутуниттифоқ коммунистик шавбаликда актив қатнашиб, фидокорона ва сидқидилдан меҳнат қилганларни учун ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларга, ёшларга, совет армияси ҳамда флоти жангчиларига, меҳнат ветеранларига, барча совет кишиларига самимий ташаккур изҳор қилдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети шавбаликда ишлаб топишган маблагларни солиқнинг сақлаш муассасалари, шунингдек мактабгача тарбия ёшдаги болалар муассасаларини қуриш учун сарфлаш ҳақида қарор қабул қилдилар.

«Халқлар ўртасида

ТИНЧЛИКНИ
МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН»

Халқаро Ленин
мукофотлари
комитетида

Шу йил 25—26 апрель кунлари СССР Медицина фанлари академиясининг академиги Н. Н. Блохин раислигида «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотлари комитетининг мажлиси бўлиб ўтди.

Комитет 1975—1976 йиллар учун Халқаро Ленин мукофотларини бериш тўғрисида тушган таклифларни кўриб чиқиб, шу масала юзасидан қарор қабул қилди.

«Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун»
Халқаро Ленин мукофотлари комитетининг қарори

1975—1976 ЙИЛЛАР УЧУН ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун курашдаги улғувор хизматлари учун қўйилган «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотлари берилиши: Ёнош КАДАР — Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари;
А. Агостино Нето — Ангола халқ Озодлик ҳаракатининг Раиси, Ангола Халқ Республикасининг президенти;

Самора М. Машел — Мозамбик Озодлик фронт партияси Раиси, Мозамбик Халқ Республикасининг президенти;
Ортенсия Бусси де Альенде — Чили жамоат арбоби, халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг фахрий вице-президенти;
Шон Макбрайд — Жамоат арбоби ва сиёсий арбоб (Ирландия);
Пьер Пуйяд — Жамоат арбоби (Франция);

Янис Ридос — Шоир, жамоат арбоби (Греция).
Комитет раиси Н. Н. Блохин (СССР).
Комитет аъзолари: Г. В. Александров (СССР), Луи Арагон (Франция), Мирьяна Вире-Томинен (Финляндия), Ренато Гуттозо (Италия), Анна Зегерс (ГДР), К. Д. Малавия (Хиндистон), Н. В. Томский (СССР), Каору Ясуи (Япония).



Ёнош КАДАР



А. Агостино НЕТО



Самора М. МАШЕЛ



Ортенсия Бусси де АЛЬЕНДЕ



Шон МАКБРАЙД



Пьер ПУИЯД



Янис РИДОС

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Марказий Комитети «Тошкент область Куйи Чирчиқ район партия комитетининг пахтачиликни комплекс механизациялаш ва алмашлаб экишни жорий қилишни поёнига етказиш юзасидан қўрган тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда Куйи Чирчиқ районининг меҳнаткашлари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини бажариш учун кураша бориб, пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда аниқгина ютуқларга эришгани, 1976 йилда 62,9 минг тонна пахта еттиштирилди. План 121,7 процент қилиб бажарилди. Район бўйича гектар бошича ўртача ҳосилдорлик 41 центнерни ташкил этди. 1974 йилда — район ташкил топан биринчи йилга нисбатан пахта еттиштириш 27,6 процент, галла еттиштириш 55,4 процент, гўшт еттиштириш 51,7 процент, сўт еттиштириш 28,6 процент қўйилди.

Эришлган муваффақиятларнинг муҳим нағизи шу бўлидики, район партия ташкилот техника тараққиётини ҳар тарафлама ривожлантириш, пахтачиликда комплекс механизациялаш поёнига етказиш, қишлоқ хўжалигини

индустриал технологияга ўтказиш йўлини планли ва астойдил амалга ошириб келмоқда. Район партия комитетининг деҳқончилик маданиятини ошириш, алмашлаб экишни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ва чорвачилик маҳсулдорлигини кўпайтириш соҳасидаги тадбирлари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Районда пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини комплекс механизациялаш поёнига етказиш юзасидан ўзининг беш йилликда тўб тадбирлар ишлаб чиқилди. Ана шу асосда пахта еттиштириши 1980 йилда 1975 йилдагига нисбатан 20 процент, галла еттиштириши 1,5 баравар, гўшт еттиштириши 2 баравар, сўт еттиштириши 1,6 баравар, пахтачиликда меҳнат унвондорлигини 28 процент ошириш вазифаси қўйилди. Қишлоқ хўжалигини янги бошқа тармоқлари ҳам анча ривож топади, колхозчи-

лар ва совхоз ишчиларининг даромадлари кўпайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Куйи Чирчиқ район партия комитетининг пахтачиликда комплекс механизациялаш ва алмашлаб экишни жорий этишни поёнига етказиш юзасидан, ана шу асосда пахта ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари еттиштиришни белгиланган тадбирларини маъқуллади.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, «Ўзсельхозтехника» бирлашмасига Куйи Чирчиқ район хўжаликларидан ишлаб чиқилган тадбирларга биноан моддий-техника воситаларини ажратиб билан ердан бериш. Тошкент область партия комитетига, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, «Ўзсельхозтехника» бирлашмасига, В. И. Ленин номи Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги Фанлари академиясининг Урта Осиё бўлимига, САИМЗга, СРЕДАЗГОСИНИГА мўлжалланган тадбирларни бажаришда Куйи Чирчиқ районига аълоий ёрдам бериш, комплекс механизациялаш негизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари еттиштиришни кўпайтириш юзасидан район колхозлари ва совхозларининг тажрибасини мунтазам умум-

лаштириб, кенг омалаштириш. Область ва район партия комитетларига, колхоз ва совхозларининг бошланғич партия ташкилотларига Куйи Чирчиқ район партия комитетининг тадбирларини ҳар бир район, хўжаликда кенг муҳофама қилиб, шу асосда пахтачиликда комплекс механизациялаш ривожлантириш, алмашлаб экишни жорий этиш ва меҳнат унвондорлигини ошириш юзасидан ўзларининг конкрет тадбирларини ишлаб чиқиш, 1977 йилда ва беш йилликнинг шундан кейинги йилларида олинган юксак мажбуриятлар бажарилиши учун дала ва ферма меҳнаткашларининг социалистик мусобақасини кучайтириш.

Республика ва область газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитетига Куйи Чирчиқ район партия комитети белгиланган тадбирларнинг муҳофазаси қандай бораётганлигини, комплекс механизациялаш негизда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари еттиштириш учун колхозлар ва совхозларда социалистик мусобақани ривожлантириш масаласини маъбуот, радио ва телевидениеда кенг ёритиш топирилди.

ЯШАСИН ИМПЕРИАЛИЗМГА ҚАРШИ,
ТИНЧЛИК, ДЕМОКРАТИЯ ВА СОЦИАЛИЗМ
УЧУН КУРАШДА МЕХНАТКАШЛАРИНИНГ
ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙ!
МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ БАЙРОҒИ ОСТИ-
ДА, КОММУНИСТИК ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИ-
ДА — КОММУНИЗМ ҚУРИЛИШИДА ЯНГИ-
ДАН-ЯНГИ ГАЛАБАЛАР САРН, ОЛГА!



СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕХНАТКАШЛАРИ! КПСС АГРАР СИЕСАТИНИ АКТИВ АМАЛГА ОШИРИНГИЗ! ҚИШ-ЛОҚ ХҲЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ВА ХИМИЯЛАШТИРИШ, ЕРЛАРНИ МЕЛИОРАЦИЯЛАШ СУРЪАТЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИНГИЗ! ХҲЖАЛИКЛАРАРО КООПЕРАЦИЯЛАШ ВА АГРАР САНОАТ ИНТЕГРАЦИЯСИ НЕГИЗИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИХТИСОСЛАШТИРИШ ВА КОНЦЕНТРАЦИЯЛАШ ЙУЛИНИ ҚУНТ БИЛАН АМАЛГА ОШИРИНГИЗ!

Н. БЛОХИН,
СССР Медицина фауна-
ри академиясининг ака-
демиги,
«Халқлар ўртасида тинч-
ликини мустаҳкамлаш учун»
Халқаро Ленин мукофотла-
ри комитетининг раиси.
(ТАСС).



Тошкентда байрам тонги.

А. Абалли фототюди.

ҚАЛЪЛАР ҚУВОНЧГА ТЎЛА

УЙ ТҮЙЛАРИ

МАЙ БАЙРАМИ арафасида қўли гуд буюбдорлар областда кўплаб турар-жой биноларини фойдаланишга топширишди. Янги уйларга кўчиб ўтган рилалар байрамни кўш қувонч билан нисволашмоқда. Кўш сайин чирой очиб, дияриб бораётган гузал Тошкентимизда ҳам бир неча кўш қаватли турар-жой бинолари, турли маданий-маиший объектлар ишга тушди. Байрамолди бахтасида пошадомлик қилган 159-трестнинг 9-курлиш бошқармаси буюбдорлари ўртасида голибдордан бўлган Нури Сейтмаметов бошлик бригада аъзолари Марказ-26 да 48 кватиралар турар-жой биносини май байрамига армуни этишди. Луначарский шоссесига эса «Гавташкент-стройнинг» 3-трест 5-курлиш бошқармаси буюбдорлари бунёд этган уйларга

салнам. 200 оила кўчиб ўтди. «Дорстройтрест»нинг 351-курлиш-монтаж посэди буюбдорлари ҳам байрамни ёруғ юз билан кутиб олишди. Улар беш ойлик пилани ошириб, бажариш билан бирга Жуковский кўчасида Урта Осиё темир йўли ходимлари учун куриб берган тўрт қаватли уйлари қомиссия юқори баҳода қабул қилиб олди.

Май байрами арафасида ишга туширилган объектларнинг қўлиги кишини хурсанд этади. Марказ-27 да тўққиз қаватли, Марказ-4 да ҳам тўққиз қаватли турар-жойларнинг қалитлари эгаларига топширилди. Фақат шу инки бинонинг ўзидангина салнам 400 оила байрамни кўш қувонч билан кутиб олмоқда.

Байрам арафасида бир қатор маданий-маиший объектлар ҳам ишга туширилди. «Анхор» ресторан-ошхонаси хўрандаларга хизмат қила бошлаган бўлса, Пушкин майдонидagi янги ёзлик ки-

нотеатри томошабинларга эшигини очди.

ДАСТУРХОН КЎРКИ

БАЙРАМ ШОДИЕНАЛАРИНИ турли ноз-неъматларга тўла дастурхонлар ишга яшнатиб юборади. Шаҳримиздаги барча майдонлар ва хиббонларда шаҳар умумий оғдатланш қорхоналарининг коллективлари «очил дастурхон»ларини бозашади. Байрам кунлари шаҳримизда жами 2 мингдан зиёд кўчма магазинлар оғиқ-оғиқ маҳсулотлари билан савдо қилади. Энг гавиш майдон ва хиббонларда ўнлаб автолавалар, кўчма буфетлар турли маҳсулотлар билан савдо қилади, ярим фабрикал маҳсулотлар билан савдо қилиш ишлари уюштирилади. Уста ошпазлар катта дошқозонларда ошлар дамлашади, ресторанларда байрам столлари бозатилади.

Тошкент, Калинин ҳамда Олжоникиде районларининг савботкорлари ўз маҳсулотлари билан шаҳарликлар дастурхонини бозашади. «Кизил Ўзбекистон», «Ленин йўли», Ленин пули, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», «Партия ХХI съезди» хўжаликлари шаҳарликларга тонна-тонналар баҳа этишляпти.

ДИЛРАБО КҮЙ

ВА ҚҮШИҚЛАР

ҲАР ҚАНДАЙ байрамни санъаткорлар хизматисиз тасаввур этиб бўлмади. Лирка қўшиқлари, турли рақслар шодибнага тароват киритади. Санъаткорлар энг яхши репертурларини намойиш қилишади. Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик катта

театри иккундй коллективи концертида СССР халқ артистлари Саодат Қобулова ва Галия Измайлова ҳамда бошқа етакчи санъаткорлар иштирок этадилар. Ўзбекистон Давлат филармонияси санъаткорлари Марказий «Юбилей» спорт залида катта программда томошалар кўрсатишади. Ватанимиз пойтахти Москвадан катта оққинлар билан қайтган Ҳамза номи Ўзбек Давлат академик драма театри, Муқимий номи Ўзбек давлат музыкали театри, халқ театрлари, маданият уйлариининг бадийи ҳаваскорлари халқ хизматига бўлишади.

Тўқимачилар маданият саройида кеча «Меҳнат, май барҳаёт» деб номланган адабий композицияи намойиш этилиди. Бунда меҳнат ветеранлари Б. Жураева, А. Верагина, Л. Казанцева ва бошқа доғдор гўкувчлар иштирок этадилар. Шаҳар кинофиларияи халқликлар «Тинчлик, дўстлик, социализм учун» деган темада бадийи ва ҳужжатли фильмлар кўригини ташкил этади. Пойтахтдаги деярли барча майдонларда ва боғларда революцияга онд фильмлар намойиш қилинади.

Областимизнинг Чирчиқ, Олмаоли, Бекобод, Янгийўл шаҳарларида ва район марказларида оммавий сайллар ўтказилади.

САЁХАТ-РОҲАТ

ТОШКЕНТ шаҳар бозалар экскурсион туристик станциясида икки юздан зиёд пионер-ва ўқувчилар ўлкашунослик тўғрисида актив иштирок этиб келишмоқда.

Тўғрак аъзолари вақти-вақти билан Тошкент шаҳри, пойтахт области ҳамда бошқа шаҳарларга экскурсиялар уюштириб туришади. Яқинда 12, 13, 84 ва 204-мактаб ўқувчиларидан бир группаси Самарқандга саёхат қилишиб, қадимий шаҳарнинг ёдгорликлари билан танишиб қайтдилар. Бошқа группа аъзолари эса Оқтош, Чимён, Бурчмулла ҳамда бошқа хушманзара жойларга экскурсия уюштиришди. Улар группа раҳбари М. Топшўлатов бошчилигида табиат бойликлари билан танишдилар, гербарийлар тўпладилар.

МАВСУМ ТАРАДДУДИ

ШУ КУНЛАРДА Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг «Ғалаба» маданият ва истироҳат боғида мавсумлик ишлари қизитиб юборилган.

Бу йил боғ коллективи катта ишларга қўл урган. Улуг Октябрьнинг шонди 60 йиллик ютуқларини акс этирувчи экспонатлар, диаграммалар, плакатлардан кўргазма ташкил этилади. Совет давлатини ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатган кишиларнинг ҳаётини акс этирувчи материаллар билан бойитилади.

53 гектар майдонни ишғол этган боғ бу йил яна ўзгача чирой очади. Кўплаб атр ва анвойи гуллар, илҳоллар ўтказилади. Боғни мавсумга тайёрлашда алоқа электротехника институти, Охунбобоев номи медицина билим юрти, 12, 70-мактаб коллективлари катта ҳисса қўшишди.

С. СУЛТОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

11V да — ОЛТИН ДЕВОР (12.00), КЎРМАНИН БОСДИМ (19.30).
21V да — ПАРВОНА (12.00), АЯЖОНЛАРИМ (19.30).
31V да — УЙЛАНИШ.
41V да — ОҚШОМДАН ТУШ. ГАЧА.

СПЕКТАКЛАР СОАТ 19.30 ДА БОШЛАНАДИ.
КАССА СОАТ 10.00 ДАН ИШЛАЙДИ.
КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАВУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МАРКАЗИЙ 1 МАЙДА

ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Мультфильмлар. 10.40 — «Тинчлик. Меҳнат. Май». 11.10 — Концерт. 12.45 — Москва. Қизил Майдон. Меҳнат. кашларнинг халқаро бирдамлик кунин — 1 Майга бағишланган курсатув. Курсатувдан кейин пионерларнинг байрам концерти. 15.30 — «Бирдамлик». 16.00 — Темир ва унинг номандаси (бадийи фильм, 1-серия). 17.05 — Концерт. 17.30 — Футбол. Жаҳон чемпионати саралаш учрашуви. Венгрия — СССР. 19.00 — Янгиликлар. 19.10 — Хоней. СССР — АҚШ. 19.45 — Қизил иштонин боши оғримас (бадийи фильм). 21.00 — Киносё. ҳатчилар клуби. 22.00 — Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик кунин — 1 Майнинг байрам қилиниши тўғрисида репортаж. 23.15 — Голубой огонёк.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИННГ ПРОГРАММАСИ

9.45 — Тошкент. В. И. Ленин номи майдон. Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик кунин 1 Майга бағишланган курсатув. Курсатувдан кейин хўшхатли фильм. 18.00 — Май қувончлари. 18.40 — Ўзбек цирки. Хўшхатли фильм. 19.10 — Телеиниаторлар. 20.00 — Ахборот. 20.40 — Байрам музыкали саёхати. 22.00 — Москва. Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик кунин — 1-Майнинг байрам қилиниши ҳақида репортаж. 23.15 — Байрам музыкали саёхати (давоми).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА ФРУНЗЕ КУРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 11V да Катта концерт (13.00, 19.00). 31V да Севилья саргароши (19.00). 41V да Испан миниаторлар (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11V да Олтин девор (12.00). Кўрманин босдим тиконини (19.30). 21V да Парвона (12.00). Аяжонларим (19.30). 31V да Уйлаиш. 41V да Оқшомдан тушгача.

МУҚИМНИНГ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11V да Гулбаҳор қани? (12.00). Концерт (16.00). Гулбаҳор қани? (19.30). ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 11V да Кўзининг каттароқ оч (12, 15, 19.00). 21V да Тўй муборак, қари қиз (12, 19.00). 31V да Кўзининг каттароқ оч (19.00). 41V да Ишқ кўрбонлари (19.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ. 11V да — 1, 21V да Дунёда ягона лилпутлар ревииси иштирокида МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ (10, 13, 16.00 ва 19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

11V да — КЎЗИНГИ КАТАР. ТАРОҚ ОЧ (12.00, 15.00, 19.00). 21V да — ТҶИ МУВОРАҚ. ҚАРИ ҚИЗ (12.00, 19.00). 31V да — КЎЗИНГИ КАТАР. ТАРОҚ ОЧ (19.00). 41V да — ИШҚ КЎРБОНЛАРИ (19.00). 51V да — КЎЗИНГИ КАТАР. ТАРОҚ ОЧ (19.00). 61V да — ТҶИ МУВОРАҚ. ҚАРИ ҚИЗ (19.00). 71V да — УН САККИЗ ЕШ. ЛИГИМ (19.00). 81V да — ИШҚ КЎРБОНЛАРИ (12.00). 91V да — ТИМАСИН СОЗ (12.00, 19.00). 101V да — ИШҚ КЎРБОНЛАРИ (19.00).

Билетлар сотилмоқда. КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАВУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

«АВРОРА» БОНГИ

Оппоқ сўтга юзларини чайди,
Тонг пардасин кўтариб юздан.
Кумуш чехра бўлиб жилмади,
Байрам тонги оғди.
Кўрганимсан шундайин тонгини,
Эслайсанми шундай дилрабо?
Умрим бўйи бундайин тонгини
Биринчи бор кўрдим мен аммо.
Шундай тиниқ бўлган бешубҳа,
Иккунднинг туғилган тонги.

Мозий-учун кўйганди нукта,
Ўйлайманки, «Аврора» бонги.
Шундай кутлуг бўлган бешубҳа,
Рейхстагда мардларнинг жанги,
Қизил байроқ дилираб унда,
Ғалабанинг туғилган тонги.
Ҳилол каби бўлгудай туффа,
Мовий кўнда камалак ранги.
Шундай ёруғ бўлар бешубҳа,
Коммунизм туғилган тонги!
Шухрат УМАРОВ.

Маргар МАРГАРИЯ

ШОИР ДЎСТИМГА

Худди тоғлик қиздай ўзар март чоғи кўклам,
Сочи олтин, лабларидан табассум балқар.
Ҳам кўп, ҳам оз — бахтга ўхшар март чоғи кўклам,
Еноғидан гоҳо кулгу, гоҳо ёш оқар.
Гоҳо муздай қор ҳам кечар март чоғи баҳор,
Яшагандай умидингда эртанги кўшиқ.
Худди қиздай кўксин отар март чоғи баҳор,
Ҳали сенга келтирадй отар март чоғи баҳор.
Эртандаги қайлиқ мисол апрелда кўклам
Бирам дилбар, камолати қолдирадй тонг.
Ҳаё тўла ишчин сенга шивирлар музҳам
Ва сен учун олтин сочга айланади тонг.
Юксак тоғлар чўққисига кўтарилди, шоир,
Апрель чоғи баҳор ишқи олов олибди.
Барин унут, ёшининг ҳам унуттил, ахир,
Бу ўзар қиз сенга кўнгил қўйиб қолибди.
Борил унга, тоққа чиқсанг, топасан бирин:
Болаликда чеккан дарду севингдан бўлак.
Кўчқ очар ўйнаб-ўсган уйинг сен сари,
Сенинг учун тайёр унда доим нон-намак.
Апрель сени шодликларга буркаркан тамом,
Унга атаб қўшиқ тўғи сен ҳам ҳар наҳор.
Одамларга меҳрибон бўл, ардоқда мудои,
Сенга меҳрин сочганидай апрелда баҳор.

Эргаш МУҲАМЕДОВ таржимаси.



Яқинда Тошкентнинг «Баҳор» концерт залида Ватанимиз пойтахти Москва ҳамда революция бешини Ленинград шаҳарларининг санъат ўқув юртларида таълим олаётган ўзбекистонлик ёшларнинг кўриги бўлиб ўтди. Унда вакилларимиз санъатда кўлга киритган ютуқларини ҳамшаҳарларимизга намойиш қилдилар. Суратларда: (чапдан) Москва Давлат консерваториясининг талабалари, скрипкачи Юсуф Караев; скрипкачи Михаил Чернухин, фортепьяночи Нигора Ахмедова, скрипкачи Александр Войнич; Москва Давлат театр институтининг стажёри Инна Горлина ўзбек халқ рақсини ижро этмоқдалар.

И. Глауберзон фотолари.



Олимпия

ЧЕМПИОН УСТИДАН ГАЛАБА

Хоккей мухлислари Венада ўтаётган жаҳон чемпионати ўйинларини эътибор билан кузатишмоқда. СССР терма командаси Канада хоккейчиларини 11:1 ҳисобида мағлуб этиб мутахассис ва ишчибозларин ҳайратга солгандан кейин, жаҳон чемпиони Чехословакия командаси билан бўлган ўйинида ҳам йирик

6:1 ҳисобида голиб келди. Бу ўйин ҳақида маҳаллий газеталар «Олимпиада чемпионлари жаҳон чемпионларини аjoyиб усулда мағлубиятга учратишди», «Бундай яхши ўйин учун раҳмат» деб ёзишмоқда.

Навбатдаги турда Финляндия Руминия командасини 4:2, Канада хоккейчилари эса ГФР спортчиларини 9:3 ҳисобида мағлуб этишди. Бештадан ўйин ўтказган СССР ва Швеция хоккейчилари чемпионатда пешқадмлик қилишмоқда.

ФЕЛИКС ПАКНИНГ «ОЛТИН КАМАРИ»

Бухарестда «Олтин камар» совринлари учун халқаро анъанавий турнир бўлиб ўтди. Бунда 15 мамлакатнинг 120 дан зиёд боксчилари рингга чиқишди. Тошкентлик армяинчи Феликс Пак турнирда катта зафар қўчди. У финалда кубалик боксчи Адольф Ортунни енгиб «олтин камар» муСОБАҚАЛАРИНИНГ ГОЛИБИ БҮЛДИ.

МЕДАЛЬ УЧУН КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

Свердловск шаҳрида волейбол бўйича кучли саккиз команда иштирокида ўтказилган биринчи давра муСОБАҚАЛАРИ НИХОЯСИГА ЕТДИ.

Тошкентнинг «Автомобилист» волейболчилари Риганинг «Аврора» командасини 3:0 ва Вороншиловграднинг «Исписа» коллективини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, очколарини 19 тага етказди.

Чемпионликка даъвогар бўлган командаларнинг биринчи давра ўйинларидан сўнг пешқадм Москва динамочилари ҳисобида 29 та очко бор. Иккинчи ўринни эгаллаб турган Марказий армия спорт клуби командасида 24 та, «Уралочка» 20 та очко тўлади. «Автомобилист» тўртинчи ўринни эгаллаб турипти.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

(«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»).

Орган Ташкентского обкома КП Ўзбекистана и областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР

номмутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.